


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 30 июнь, № 134 (8477) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ўғил-қизларим!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларини мамлакатимизда кенг нишонланаётган қутлуғ айём — Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу байрамни сизлар билан биргаликда катта шоду хуррамлик билан ўтказаётган ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Албатта, мана шундай қувончли айёмда юртимиз келажаги, умид ва ишончимиз рамзи бўлган азму шижоатли фарзандларимиз тимсолида Ватанимиз нақадар улкан имкониятларга эга эканини янада чуқур ҳис этамиз.

Бугунги кунда мактаб, коллеж, техникум ва олийгоҳларда билим олаётган, ўз шахсий ишини очиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган, Қуролли Кучларимиз сафларида йигитлик бурчини шараф билан адо этаётган, ишлаб чиқариш, қурилиш, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларига, замонавий IT-технологиялари йўналишларига дадил кириб бораётган, катта орзу-умидлар билан яшаётган 18 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, олтин захирамиздир.

**“Янги Ўзбекистон бунёдкори бўламан!”**, **“Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшаман!”**, деган юксак мақсадлар фарзандларимиз қалбидан чуқур жой олиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти мазмунига айланиб бораётгани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Азиз ёшлар!

Навқирон авлодимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ўғил-қизларимизнинг билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча шароитларни яратиш сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва бу борада улкан ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Ўтган қисқа даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётгани буни яққол тасдиқлайди. Айниқса, янгиланган Конституциямизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари аниқ моддалар билан муҳрлаб қўйилгани, ҳеч шубҳасиз, бу борадаги ҳуқуқий базани янада кенгайтириш, амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Шу ўринда янги таҳрирдаги Асосий Қонунимиз лойиҳасини муҳокама этиш ва умумхалқ референдуми орқали қабул қилишда ёшларимиз алоҳида фаоллик кўрсатганини миннатдорлик билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу эса ўғил-қизларимизнинг Ватанимиз тақдири ва келажагига юксак дахлдорлик туйғуси билан яшаётгани, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий жараёнларга янгича руҳ ва мазмун олиб кираётганидан далолат беради.

Айни пайтда бундай фаол муносабат бутун халқимиз қатори ёшларимиз билан ҳам доимий мулоқотни йўлга қўйиб, фикр ва истакларини эшитаётганимиз, барча дастур ва режаларимизни амалга оширишда ўғил-қизларимизни кенг жалб этиб, уларга ишонч билдираётганимиз натижаси, десак, тўғри бўлади.

Шу маънода, ўтган даврда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги — вертикаль бошқарув тизими яратилди.

Юртимиздаги барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, бу вазифага ташкилотчилик қобилиятига эга, ташаббускор йигит-қизлар танлаб олинди. Маҳаллада бу тизим орқали ёшларга 100 дан ортиқ имкониятлар яратилди.

“Ёшлар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, сўнгги икки йилда 798 минг нафарга яқин ёшларга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 53 минг нафар эҳтиёжманд оилага мансуб талабага ўқиш учун контракт пуллари тўлаб берилди.

Олий таълим муассасалари сони салкам уч марта кўпайиб, 210 тага, қамров даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга етгани замонавий илм ва касб соҳаларини эгаллашда ўғил-қизларимиз учун янги имкониятлар очмоқда.

Охирги уч йилнинг ўзида 250 минг нафар ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари” ташкил этилиб, 4 триллион сўмлик 2,5 мингта лойиҳа амалга оширилди. Натижада ёш тадбиркорлар сони 2 карра кўпайиб, 200 мингдан ошди.

Биз нафақат ёшларимиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётган ана шундай эзгу ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз. Шу борада ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиз, азизларнинг салоҳият ва иқтидорингизни ривожлантириш ва рўёбга чиқариш учун имконият ва шароитларни янада кенгайтирамиз.

Қадрли ўғил-қизларим!

Юртимиз ёшлари яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли соҳаларда дастлабки умидбахш натижаларни қўлга киритаётгани, албатта, барчамизни хурсанд қилади.

Ўзбекистонлик ўқувчилар ўтган йили халқаро фан олимпиадаларида 7 та олтин, 36 та кумуш ва 38 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Ёш спортчиларимиз эса халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, бу йил 247 та олтин, 119 та кумуш, 110 та бронза медаль соҳибига айландилар.

Кейинги йилларда Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ана шундай ёшларнинг 758 нафари давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

Албатта, биз азиз фарзандларимизнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириб, уларни янги, янада юксак босқичга олиб чиқамиз.

Ишончим комил, жонажон Ватанимизга меҳр ва садоқат билан яшаётган, илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, ҳозирги мураккаб замондаги кескин рақобатга тайёр бўлиб вояга етаётган ёшларимиз ҳар қандай баланд маррани эгаллашга қодир.

Сиз, азизларни бугунги ёшлик, бахт ва нафосат айёми билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Ҳеч қачон унутманг, ғалаба ва бахт — астойдил интилганники!

Сизларнинг ютуғингиз — бу бутун эл-юртимизнинг ютуғи.

Халқимиз сизларга ишонади, сизларга таянади, сизлардан куч-ғайрат, руҳ ва илҳом олади.

Ўз олдингизга улуғ мақсадлар қўйиб яшашдан асло чарчаманг!

Янги Ўзбекистонни албатта сизлар билан, бутун мамлакатимиз ёшлари билан бирга барпо этамиз.

Барчангизга байрам муборак бўлсин, қадрли ўғил-қизларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI 2023 9-IYUL

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР – ИСЛОҲОТЛАР «ГЕНЕРАТОРИ»

*Маълумки, сайловлар орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиб, давлат органларини демократик тарзда шакллантириш мақсадида ўз хоҳиш-иродаларини тўғридан-тўғри билдиради.*

Сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда сайловчиларнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, сайлов ва референдум ўтказишнинг очиқлиги, шаффофлиги ҳамда мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш зарур. 2019 ва 2021 йилларда бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари ҳамда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдуми муҳим сиёсий аҳамиятга эга ҳаётий мактаб вазифасини ўтади, бу борада катта тажриба орттирдик.

Сайловларга оид халқаро принциплар БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, БМТнинг Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида ҳамда Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциялари, Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши томонидан қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида ва бошқа ҳужжатларда акс этган.

Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII боби “Сайлов тизими”га бағишланиб, унга фуқаролар конституциявий сайлов ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда муҳим янги нормалар киритилди.

Жорий йилнинг 9 июль санасида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқ иродаси асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция ва сайловга оид халқаро стандартлар ва халқаро экспертлар тавсиялари асосида такомиллаштирилган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Сир эмаски, фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халқаро ташкилотлар диққат-эътиборида бўладиган масаладир. Ҳозирги пайтда дунёда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид халқаро стандарт ҳисобланадиган 20 дан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Сайловларда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши давлат томонидан демократик сайлов стандартларига қанчалик риоя этилаётганлигини кўрсатиб беради.

Халқаро кузатувчиларнинг сайлов жараёнидаги иштироки нафақат сайловларнинг ошкоралиги, очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, балки сайлов қонунчилигини халқаро стандартлар асосида изчил такомиллаштириб боришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ўз ўрнида, сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэътироф этилган халқаро демократик стандартларга уйғунлаштириш орқали фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини янада кенг ва тўла таъминлашга имкон яратилади. Шу боис халқаро кузатувчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар босқичма-босқич миллий сайлов қонунчилигимизга жорий этилмоқда.

2

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ ЕТАКЧИСИНИ ТАБРИКЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедовни таваллуд куни билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, қардош туркман халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Унинг бугунги Туркманистонни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган салмоқли ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари Қурбон ҳайити билан бир-бирини дилдан табрикладилар. Ўзбекистон Президенти янги Арқадағ шаҳри расман очилгани муносабати билан ҳам Гурбангули Бердимуҳамедовни қутлади.

Телефон мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасида савдо, инвестициялар, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Барча даражаларда самарали мулоқотлар, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашгани таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, ижодий ва интеллектуал салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намоён этиб, ҳалол ва самарали меҳнати, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан юртимиз тараққиётига, унинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, она Ватанимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган қуйидаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотлансин:

**Мамбетярова Улбосин Мусатдин қизи** — Қўнғирот тумани «Мингжарған» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ниязимбетов Шерзод Кадирбердиевич** — Нукус туманидаги «Biogumus» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Йўлдошев Рахимжон Рафукжон ўғли** — Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти агроинженерия ва гидромелиорация факультети деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Андижон вилояти

**Умматалиева Мохларой Зокиржон қизи** — Балиқчи туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Горев Петр Денисович** — Бухоро шаҳридаги «Буюк ипак текстиль» масъулияти чекланган жамияти дизайнери, Бухоро вилояти

**Юсупова Чинора Анвар қизи** — Вобкент туманидаги «Chinar Mushroom tomorqa xizmat» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Набиқулова Нафиса Ўктам қизи** — «So‘g‘diyona-W» профессионал футбол клубининг аёллар жамоаси футболчиси, Жиззах вилояти

**Усмонова Мадина Улуғбек қизи** — Жиззах шаҳридаги «Grand Super Star» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Жиззах вилояти

**Мансурова Зарина Анвар қизи** — Қарши туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Хақбердиев Абдуманнон Ғафурович** — Муборак газни қайта ишлаш заводининг цех оператори, Қашқадарё вилояти

**Равшанова Гулҳаё Азаматовна** — Навоий вилояти «Зиёкор» аёллар ва ёшлар маркази раҳбари

**Рахмонов Сухроб Юсупович** — Навоий шаҳридаги «Bur Kompressor Navoiy» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Абдуллаева Замира Мухторжон қизи** — Чортоқ туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# «МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қобилияти, интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга катта ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 29 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 июндаги ПҚ-199-сон қарорига илова

## «МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

**Ендирбаев Давронбек Гулман уғли** — Нукус шаҳридаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик бўлими ўқитувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Мамбетшарипов Юсуп Рахатович** — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг докторанти (Қорақалпоғистон Республикаси)

2

30 июнь — Ёшлар куни

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

*Ёшлик — юракда завқу шавқ, эзгу ниятлар, нурли мақсадлар жўш урадиган давр. Шу маънода, навқирон авлодга имконият яратиб берилса, улар орзулари рўёби сари қанот қоқади, юксакларда парвоз этади.*

*Янгиланаётган Ўзбекистонда яратилаётган қулай имкониятлар навқирон авлодга ана шундай муваффақият эшикларини очмоқда. Ёшларимиз ўз мақсади, орзу-умидлари йўлидан олға бориб, нафақат ўз истак-интилишларини рўёбга чиқармоқда, балки юртимизнинг халқаро нуфузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.*

*Ўз иқтидори ва салоҳияти билан ҳаётда муайян ютуқларга эришган ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, дил сўзлари билан 2-САҲИФАДА танишасиз.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1

**Рафиков Жахонгир Рахимжонович** — Наманган шаҳридаги «Effortless Education Service» нодавлат таълим муассасасининг «Start-21» ўқув маркази раҳбари, Наманган вилояти

**Баликова Чарос Норбек қизи** — Шашка бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси, Самарқанд вилояти

**Махкамтошева Марҳабо Абдурахмон қизи** — Самарқанд давлат университетининг 2-босқич талабаси, Самарқанд вилояти

**Боқиева Феруза Шерали қизи** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Afrosiyob» юқори тезюрар электропоезди машинисти ёрдамчиси, Сирдарё вилояти

**Тошбеков Жўрабек Абдумалик ўғли** — Сирдарё туманидаги «Software-Developers-Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

**Абдумаликов Умиджон Абдумалик ўғли** — Термиз туманидаги «Сурхон Термиз Умид» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Очилдиева Дилноза Ўткир қизи** — Қизириқ туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби тўгарак раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Абдуллаев Руслан Анвар ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Тошкент вилояти

**Қиёмова Маржона Муродхўжа қизи** — Паркент туманидаги «Кумушкон» кутубхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

**Иброхимов Жахонгирмирзо Улуғбек ўғли** — Марғилон шаҳридаги «Муҳандисона» масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

**Турғунова Нодирахон Абдурахим қизи** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1-босқич магистранти, Фарғона вилояти

**Қаландаров Шоҳруҳбек Мирзабек ўғли** — Хонқа туманидаги «Хонқа чорва капитал» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Машарипова Гули Раъно Озодовна** — «Edu Action» IELTS тест марказининг Хоразм вилояти бўйича бош координатори

**Ачилова Диёра Алишеровна** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг халқаро факультети ёшлар етакчиси

**Умирзаков Шаҳзод Бахтиёр ўғли** — Юнусобод туманидаги «Tass Vision» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Асқаралиева Маҳлиёхон Акмалжон қизи** — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

**Жўрақулова Маржона Садриддин қизи** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг «Қизлар овози» клуби раҳбари

**Икромова Тахмина Изатуллоевна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича спортчиси

**Кадиров Азамат Азизович** — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвозлар хавфсизлиги ва сифат таъминоти бошқармаси «А-320» ҳаво кемаси учувчи-нозири

**Мухсумов Жавлонбек Хусниддин ўғли** — Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг халқаро олимпиада захиралари маркази ўқитувчиси

**Рахмонова Наргизахон Бахтиёржон қизи** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли артисти

**Сафаров Худойназар Суннат ўғли** — «Ўзбекгеологияқидирув» акциядорлик жамиятининг Зарафшон дала геология-қидирув экспедицияси ер ости ишлари геологи

**Усманова Мафтуна Анваровна** — Тошкент шаҳридаги «Шароит плюс» ногиронлар жамоат бирлашмасининг лойиҳалар координатори

**Хамроев Сардорбек Ислом ўғли** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Элмуродова Нигина Бахтиёр қизи** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг буйрак трансплантацияси ва реабилитацияси бўлими жарроҳи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 29 июнь

# «МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

1

**Азимов Сарварбек Қаюмжон ўғли** — Андижон машинасозлик институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

**Мўминжонов Миржалол Муқимжон ўғли** — Андижон давлат университетининг кимё кафедраси катта ўқитувчиси (Андижон вилояти)

**Садуллоев Анварбек Ойбек ўғли** — Пешку туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

**Содиков Мухаммадали Кахрамонович** — Бухоро шаҳридаги «AD Astra» ўқув маркази раҳбари (Бухоро вилояти)

**Қодиров Умиджон Лапас ўғли** — Жиззах давлат педагогика институтининг 3-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

**Райимов Фурқатжон Фарход ўғли** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

**Номуродов Олимжон Обиджон ўғли** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси (Қашқадарё вилояти)

**Усмонов Махсуд Тулқин ўғли** — Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич магистранти (Қашқадарё вилояти)

**Исмоилов Абдуқодир Дилшод ўғли** — Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

**Хайдаров Хумоюн Машарип ўғли** — «Mash X Industry» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Навоий вилояти)

**Насриддинов Вохиджон Махаммадсоли ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Наманган вилояти)

**Одашов Зайниддин Зухриддин ўғли** — Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг гуруҳ командири (Наманган вилояти)

**Закиров Руслан Олегович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ҳузуридаги марказнинг ҳайдовчи-қутқарувчиси (Самарқанд вилояти)

**Исломов Шербек Маҳмуд ўғли** — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 1-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

**Баҳриллаев Баҳром Азмиддин ўғли** — Сардоба туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

**Краснов Анатолий Викторович** — Сирдарё вилояти сув спорти турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг академик эшкак эшиш бўйича мураббийси (Сирдарё вилояти)

**Турсунов Анвар Махмадиёр ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси (Сурхондарё вилояти)

**Хуррамов Аббос Бахрамович** — Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби услубчиси (Сурхондарё вилояти)

**Абдуғаниев Турдали Абдукаюм ўгли** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув маркази кинолог-қутқарувчиси (Тошкент вилояти)

**Ёқубов Достон Жалолиддин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири (Тошкент вилояти)

**Йигиталиев Саидасрор Шавкат ўғли** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг опера ижрочиси (Фарғона вилояти)

**Меликузиев Сарварбек Махмуд ўғли** — «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетининг таянч докторанти (Фарғона вилояти)

**Аматбоев Оғабек Шоназар ўғли** — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

**Каримов Жавоҳир Абдукарим ўғли** — Хива шаҳридаги Огаҳий номидаги ижод мактабининг 9-синф ўқувчиси (Хоразм вилояти)

**Махмудов Абдуллох Алишер ўғли** — Учтепа туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

**Мирзаахмедов Миразиз Мирвохид ўғли** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Yoshlar» радиоканали муҳарририяти бош муҳаррири (Тошкент шаҳри)

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

1

**Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Бугун навқирон авлод Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрланмоқда. Уларнинг соғлом улғайиши, билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ишлаши, қулай шароитларда яшаши ва дам олиши, мақсадларини рўёбга чиқариши учун барча имконият яратилмоқда. Кейинги олти йилда ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган юздан зиёд қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилингани юртимизда ёш авлодга эътибор нақадар юксаклигини яққол намоён қилади.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар, лойиҳалар йигит-қизларнинг иқтидорини намоён этишига имконият яратиш билан бирга, уларнинг бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қиляпти.

Юртимизда 30 июнь — Ёшлар куни сифатида кенг нишонланиши ҳам бежиз эмас. Бу эртасини ўйлаган, ёш авлод камолотини сиёсат даражасига кўтарган мамлакатнинг энг ардоқли байрамларидан бири. Зеро, дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам бундай сана нишонланмайди.

**Жасурбек ЖАЛОЛИДДИНОВ, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби, футбол бўйича Осиё чемпионати (U-23) совриндори:**

— Юртимиз байроғи жаҳон ареналарида ҳилпираса, барчамизнинг юрагимиз тўлқинланади, қароғимизда ногаҳон ёш қалқийди. Ниятим — Ўзбекистон байроғини жаҳоннинг нуфузли майдонларида, миллионлаб нигоҳлар ўнгида ҳилпиратиш. Биз, спортчилар ана шундай мақсад йўлида доим ҳаракатдамиз, юрагимиз чемпионлик орзуси, умиди, мақсади билан ёнмоқда.

Юртбошимизнинг спортга, жумладан, футболга эътибори жуда юксак. Бугун марказдан энг олис қишлоқларда, маҳаллаларда ҳам замонавий спорт майдончалари қад ростламоқда. Уларда эртамиз ворислари бўлган ўғил-қизлар, укаларимиз, сингилларимиз спортнинг турли йўналишларида шуғулланмоқда, ўз иқтидорларини чархламоқда, жисмини, иродасини тобламоқда.

Айниқса, бугун ёшлар бир вақтлардагидек тупроқ кўчаларда ёки чанги чиққан кенгликларда эмас, замонавий майдонларда футбол ўйнамоқда. Бундай ғамхўрлик ва имкониятлар келгусида ўз мевасини беришига ишонаман. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси келажакда, албатта, жаҳон чемпиони бўлишига умид қиламан.

**Севара БАҲОДИРОВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**

— 2015 йилда илк бор Зулфия номидаги Давлат мукофотига ҳужжат топширгандим. Бироқ ниятимга етолмадим. Шундай бўлса-да, тушкунликка тушиб қолганим йўқ. Йиллар давомида орзуларим сари интилишдан чарчамадим. Тўғрисини айтганда, давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга ишончи, эътибори, яқинларимнинг қўллаб-қувватлови, меҳри, юртимизда яратилган қулай шарт-шароитлар менга куч берди.



2022 йилда, қайд этишим жоиз, етти йил деганда ушбу мукофотга сазовор бўлдим. Аслида, бу ютуқ мен эришган асосий мукофот эмас. Мукофот — иқтидоримни кашф қила олганим, келажакка ишончнинг мустаҳкамлангани, ота-онамга айтилган раҳматлар, елкамдаги масъулият ва юрагимдаги бир-биридан улкан орзулар. Шуларни ўйласам, ҳамиша қалбимда шукроналик ҳисси пайдо бўлади.

Беадад шукр, юртимиз тинч, халқимиз бахтли, мен эса уларнинг севимли фарзандиман. Бу ўқув йилида Навоий номидаги давлат стипендияси ва йил бошида эса турк тилидан “C2” даражадаги халқаро тил билиш сертификатини қўлга киритдим. Ҳозиргача учта таржима китобим чоп қилиниб, ўқувчилар қўлига етиб борди. Охирги пайтларда нуфузли тадбирларда ҳам таржимон, ҳам журналист, баъзида ташкилотчи сифатида иштирок этяпман. Ҳар гал бирон ютуққа эришганимда келажакдаги мақсадларим сари яна бир қадам илдамлаганимни ҳис қиламан.

**Камол МУҲАММАДИЕВ, “Bo‘zatov FEST” республика ёш ижодкорлар фестивали ғолиби:**

— Бугунги ёшлар сиёсати бир вақтлардагидек фақат тадбирбозликдан иборат эмас. Мутасаддилар бугун фақат буйруқбозлик билан шуғулланмай, энг чекка ҳудудларга ҳам бориб, хонадонма-хонадон юриб, ёшлар билан суҳбатлашмоқда. Уларнинг орзу-ўйлари, мақсадлари билан қизиқмоқда. Муаммоларини шу жойнинг ўзида ҳал қилиш чораларини кўрмоқда.

Ўтказилаётган тадбирларда ҳам сурур бошқача. Улар фақат ўйинкулги учун эмас, аввало, ёш истеъдодларни аниқлаш, уларга зарур шароитларни яратиш мақсадида ташкил этиляпти. Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган “Bo‘zatov FEST” республика ёш ижодкорлар фестивали ҳақида айнан шу фикрни айтиш мумкин. Ушбу фестивалда 238 минг нафар ёш ўз иқтидорини намойиш этди. Уларнинг орасида менинг ҳам борлигим, сараланиб, республика босқичига етиб келганим ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди, десам, муболаға эмас.

Мамлакатимизда санъатга бўлган эътибордан бугун каттаю кичик ижодкорлар беҳад хурсанд. Мен ҳам ўз санъатим, иқтидорим билан юртимиз номини дунёга таратиш ниятидаман. Яқин йилларда бунга эришишимга ишончим комил. Бўзатовда ўтган санъат анжуманида орттирган тажрибам келажакда қўл келишига аминман.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**



# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР – ИСЛОҲОТЛАР «ГЕНЕРАТОРИ»

1 Таъкидлаш жоизки, сайловларни халқаро кузатиш жараёни ва халқаро кузатувчилар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Сайловларни халқаро кузатиш принципларининг декларацияси ва Сайловларнинг халқаро кузатувчилари ахлоқ кодекси, шунингдек, БМТ жамоат ташкилотлари томонидан партиясиз кузатув ва сайловларни кузатишнинг глобал тамойиллари тўғрисида декларацияси ва Партиясиз оммавий сайлов кузатувчилари учун ахлоқ кодекси каби ҳужжатларда ўз аксини топган.

Сайлов кодексида сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Маълумот учун: 2021 йилда ўтказилган Президент сайлови жараёнини кузатиш учун дунёнинг 50 га яқин давлатларидан жами 971 нафар халқаро ва хорижий кузатувчи қатнашди. Биринчи марта Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилик тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилинди.

## Янгиланган Конституцияда сайлов ҳуқуқлари кафолатлари

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 128-моддасига фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш бўйича муҳим нормалар белгиланди. Унга кўра суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содирқилганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкинлиги ҳамда бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, муомалага лаёқатсизларнинг сайлаш ҳуқуқини бутунлай чеклаш халқаро ҳуқуқ (Инсон ҳуқуқлари бўйича декларация, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт) нормаларига тўғри келмайди. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 2010 йилдаги қарорида суднинг индивидуал баҳоси бўлмай туриб, фақатгина руҳий муомалага лаёқатсизликка асосан тўлиқ овоз бериш ҳуқуқининг бекор қилинишини қонуний деб ҳисоблаб бўлмаслиги кўрсатилган.

Бельгия, Чехия, Венгрия, Португалия, Словения, Мальта, Эстония каби давлатларнинг қонунчилигига кўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилгандан фуқаро автоматик тарзда сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинмайди. Балки суд фуқарони муомалага лаёқатлилик масаласини ҳал этиш жараёнида уни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини индивидуал тарзда узил-кесил ҳал этади.

Европанинг бир қатор давлатларида, хусусан, Германия, Франция, Австрия, Дания, Буюк Британия, Финляндия, Ирландия, Италия, Швеция, Испания, Нидерландия, Словакия, Латвия, Хорватияда муомалага лаёқатсиз шахсни ҳар қандай ҳолатда ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин эмас.

Суд томонидан қарор чиқарилган шахслар жисмонан фаол одамлар бўлиб, оила аъзолари ёки манфаатдор шахсларнинг даъво аризаси туфайли, ушбу шахслар ўзи билмаган ҳолда ўзларига зарар келтирувчи битим, шартнома (ҳадя, пул ёки бирор-бир нарсани бериб юбориш), олди-сотди (жуда арзон нархда бирор-бир нарсани сотиш) тузган тақдирда, ушбу битим, шартномаларни бекор қилиш, яъни уларни ҳимоя қилиш мақсадида суд уларга нисбатан муомалага лаёқатсиз деб қарор чиқарган.

Суд томонидан шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш уни ёки унинг яқинларини юқоридаги вазиятда ҳимоя қилиш учун яратилган фуқаролик ҳуқуқининг (хусусий ҳуқуқ) институти бўлиб, ушбу шахсни умуман тескари тарзда ҳимоя қилиш эмас, балки камситиш, чеклаш, яъни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, бу эса, ўз навбатида, давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этиш адолат мезонига тўғри келмасди. Фуқаролик ҳуқуқининг (ҳусусий ҳуқуқ) институтини сайлов ҳуқуқи (оммавий ҳуқуқ) соҳасида қўллаш нотўғри эди.

Умуман олганда, шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиб, уни ушбу ҳуқуқдан ёппасига маҳрум қилиш мантиқий асосга эга эмас. Буни суд алоҳида масала сифатида кўриб, муайян шахс овоз беришда ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна оладими ёки уларни бошқара оладими, деган мезондан келиб чиқиб, индивидуал баҳолаш тартибининг амалиётга жорий этилиши инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларига мос келади.

Бундан ташқари, 2019 йилгача, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ҳам сайловда қатнашолмас эди. Сайлов қонунчилигини демократлаштириш мақсадида қонунчиликка киритилган ўзгартишларга асосан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслардан ташқари барча маҳкумлар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Халқаро экспертлар фикрига кўра, оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахсларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини чеклаш уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш ҳамда давлат органларини демократик тарзда шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқини чеклаш ҳисобланади.

Шахс ўзини жамиятнинг узвий бўлаги деб ҳисоблаши учун муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида тенг иштирок этиши зарур. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 1-сонли баённомасида сайлов ҳуқуқини мутлақ чеклаш ушбу асосий ҳуқуқнинг моҳиятини бузадиган даражада чеклаши ва мазкур ҳолатни, ҳатто давлатнинг зарур хулқ-атвор қоидаларини белгилаш ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда ҳам объектив ва оқилона ҳисобланиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шахсни сайлов ҳуқуқидан мутлақ маҳрум қилиш у содир этган муайян ижтимоий хавфли қилмишига мутаносиб ва мос эмас. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш мазкур ҳуқуқнинг табиатидан келиб чиқиб, сиёсат билан боғлиқ баъзи жиноятлар, масалан, экстремизмда айблаш учун алоҳида жазо тури бўлиши керак.

БМТ томонидан қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро камситишларсиз ҳамда асоссиз чекловларсиз ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш, ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга бўлиши лозим.

Янгиланган Конституциянинг 128-моддасига биноан, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум қилиниши мумкинлиги умумий сайлов ҳуқуқи принципи янада кенгроқ таъминланганидан, халқаро стандартлар талаблари имплементация қилинганидан далолат беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириш доимий ҳамда тизимли равишда давом этадиган жараёндир. Энг муҳими, янги Ўзбекистон шароитида изчиллик билан олиб борилаётган демократик жараёнлар ортга қайтмас тус олган. Бунинг натижасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилувчи сайлов қонунчилиги халқаро стандартлар ва халқимизнинг миллий анъаналари ҳамда ўзига хос маданий қадриятларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилиб борилади.

**Ихтиёр БЕКОВ, Тошкент давлат юридик университетининг Конституциявий ҳуқуқ кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор.**

# БУГУН ВА КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

## экологик қадриятлар устувор, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси ишончли бўлган дастурий мақсадларда акс этган

*Дунёда рўй бераётган муҳим ва глобал ўзгаришлар биздан истиқболли фаолият самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Эндиликда нафақат бугунги кун, балки яқин келажагимиз ҳамда келгуси авлодлар манфаатларини кўзлаб қарорлар қабул қилиш ва фаолият дастуримизни белгилаб олиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб турибди.*

*Ҳаётимизда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий масалаларни аниқ ва самарали ҳал қилиш учун комплекс ёндашув зарурати инкор этиб бўлмас ҳақиқатга айланди. Ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, суд-ҳуқуқ тизими, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳаётий муаммоларга ечим топишда муштарак ҳолда ҳаракат қилиш бугунги кунимизнинг асосий талабидир.*




Шу нуқтаи назардан, бугун жамият ҳаётига оид барча саволларга жавоб топишда айни шундай ёндашув эҳтиёжи юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Экологик партиядан номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида буларнинг барчаси ўз ифодасини топгани, жамиятимиз ҳаётида муҳим бўлиб турган — **давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими**да ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, **соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан** ва **маданий-маърифий** соҳаларни янада ривожлантириш, **табиий-техноген ҳолатлар оқибатида рўй бериши мумкин бўлган барча вазиятлар** юзасидан тизимли ишларни олиб бориш, шунингдек, **ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорлик**ни ривожлантириш йўналишларида аниқ вазифалар илгари сурилаётгани халқимиз томонидан илиқ қарши олинмоқда.

Номзод, биринчи навбатда, Ўзбекистон ва жаҳон миқёсида муҳим саналаётган экологик муаммолар масаласига катта эътибор қаратган. Соҳа бўйича узоқ йиллик тажрибага эга олим сифатида мавжуд экологик муаммоларнинг ечими борасида ўзининг конструктив таклифларини сайловчилар эътиборига тақдим қилган.

Жумладан, **бугунги кунда юртимиз ҳудудида тез-тез учраётган чанг ва қум бўронлари** инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳит тозалигига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётгани кўпчиликни ташвишга солиб турибди.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаев атроф-муҳит, қолаверса, инсонлар саломатлигига жиддий хавф солиши мумкин бўлган ана шундай ҳодиса оқибатларини юмшатиш, уларнинг инсониятга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига келтирадиган зарарини камайтириш чораларини кўриш бўйича бир қатор дастурий мақсадларни илгари сурмоқда. Бундай табиат ҳодисалари оқибатларини юмшатиш учун кўрилиши керак бўлган зарур чораларни таклиф этмоқда.

Хусусан:

— **Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида** қум кўчишининг олдини олиш мақсадида **«яшил белбоғлар» ва «яшил қалқонлар»** барпо этиш ишларини жадаллаштириш;

— **қум ва туз бўронлари** кўтарилиши хавфи юқори бўлган **ҳудудлар хариталари ишлаб чиқилиб**, бундай ҳудудларда махсус дастурлар асосида яшил иҳотазорлар барпо этиш.

Минтақада қурғоқчилик, яшил массанинг камайиши, чўллашишнинг жадал давом этаётгани бу ҳодисаларнинг асосий сабабчисидир. Айниқса, иқлим мўътадиллигини сақлаб турган Орол денгизининг қуриши, яшилликнинг ниҳоятда камайиб кетиши ҳам чанг ва қум бўронлари тез-тез такрорланишига олиб келмоқда.

Республиканинг Шимоли, чўллари ва Жанубида одатий ҳол бўлиб қолган бу каби манзаралар энди марказий ҳудудларга ҳам кўчаётгани хавотирлидир. Шунинг учун ҳам айнан Марказий Осиё минтақаси, айниқса, бизнинг мамлакатимиз учун боғу роғлар ва яшил ҳудудларнинг кўпайиши жудаям муҳим.

Мисол учун, бундан бир неча ўн йиллар аввал яшил майдонлар киши бошига 50 — 60 квадрат метрни ташкил қилган. Аммо бизнинг жазирама шароитда Ўзбекистонда **бир киши учун 100 — 200 квадрат метр яшил майдон** талаб қилинади.

Чунки яшил дарахт ва буталар инсоният учун зарур бўлган кислород ишлаб чиқаради ва атмосфера ҳавосидаги зарарли бўлган карбонат ангидрид ва бошқа турдаги газларни ютиб, ҳавони тозалайди. Шу сабабли ўсимлик дунёсини ернинг ўпкаси деб айтилиши бежиз эмас.

Кутилмаган табиий ҳодисалардан ҳеч қачон кафолатли ҳимояланмаганмиз. Табиий ва техноген фалокатлар ҳамиша одамлар ҳаёти учун катта хавф туғдиради ва оғир йўқотишларга олиб келади. Нисбатан сейсмик фаол бўлган Марказий Осиё ҳудудида зилзила ўчоқлари мавжуд бўлиб, турли даражадаги ер силкинишлари мунтазам содир бўлиб туради.

Албатта, бундай табиий ҳодисаларнинг олдини олиш ёки қачон юз беришини аниқ башорат қилишнинг иложи йўқ. Фақатгина уларга тайёр туриш орқали оқибатларини, йўқотишларни камайтириш мумкин.

Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаев Сайловолди дастуридаги табиий-техноген ҳолатлар оқибатида рўй бериши мумкин бўлган барча вазиятлар юзасидан тизимли ишларни олиб боришга қаратилган алоҳида йўналиш ҳам айни шу мақсадларга қаратилган.

Унда **ҳудудларнинг сейсмик фаоллигини ҳисобга олиб, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш талабларини такомиллаштириш** таклиф этилмоқда. Бу бир томондан, қурилиш ишларидаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, бинолар зилзилабардошлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, халқимизнинг бехавотир, ҳаловат билан яшашини таъминлайди.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган улкан қурилишлар жараёнида баъзан сифатсиз, талабга жавоб бермайдиган тураржойлар ҳам қурилгани сир эмас.

Қурилиш соҳасида давлат назорати бўйича амалга оширилган ишлар натижаларига кўра, ўтган йили сейсмик чидамлилигига қўйиладиган талабларга жавоб бериши, қурилаётган объектларнинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларга мувофиқлиги ҳамда сифатсиз қурилиш материаллари аниқланган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатишлар 498 тани ташкил этган. Қурилиш нормаларига риоя қилмаган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилганлиги сабабли 60 та объект буздирилган.

Бундан ташқари, **тоғ ва тоғолди ҳудудларида рўй берадиган қор кўчкилари, сел хавфини камайтириш, сув омборларининг қирғоқ бўйларини мустаҳкамлаш, ер кўчиши, ўпқонлар ва жарликлар ҳосил бўлишининг олди олиниши**га алоҳида эътибор қаратилади. Қурғоқчилик ва стресс омилларга чидамли ўсимлик ва ҳайвон турлари кўпайтирилади, янги нав ва зотлар яратиш рағбатлантирилади. Номзод дастурида кўзда тутилган ушбу масала инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда меъёр ва мувозанатга қатъий амал қилиш, халқимизни табиат офатларидан асрашда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Сайловолди дастурида нафақат экологик масалалар, балки ҳаётимизда муҳим ўрин тутувчи **давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар самарадорлигини ошириш** борасида ҳам зарур таклифлар илгари сурилмоқда.

Фуқаролар энг кўп дуч келадиган ва энг кўп мурожаат қилинадиган соҳалардан бири ҳам айнан шу — суд-ҳуқуқ соҳаси экани ҳеч биримизга сир эмас. Ушбу соҳадаги фаолият механизми тўғри, аниқ ва бир хилда ишлашига эришиш жамият фаровонлигини таъминлашда жуда долзарб аҳамият касб этади. Шу маънода, номзоднинг Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, сўз эркинлигини қўллаб-қувватлаш ва ОАВ фаолияти кафолатларини мустаҳкамлаш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш борасидаги ислоҳотларни изчил давом эттиришга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Президентликка номзод **фуқароларнинг ҳаёт сифатини пасайтирадиган ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ҳар қандай иқтисодий фаолиятни давлат томонидан молиялаштиришни тақиқлаш**ни таклиф этмоқда. Демак, ҳар қандай лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда атроф-муҳит масаласини биринчи планга қўйишда давлатнинг ўзи намуна бўлади. Бунинг ортидан эса бизнес, ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқа кўплаб соҳаларда эътиборсиз даражага тушиб қолган дарахтлар, ўсимликлар, яшил ҳудудларни асраш ва ҳимоя қилиш масалалари ўз-ўзидан кучаяди. Яъни Сайловолди дастурида кўзда тутилганидек, давлат бошқаруви тизимида **экология соҳасидаги маъмурий ислоҳотлар** жадал амалга ошади.

Сайловолди платформада судлар мустақиллиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, **суд қарорлари ижросини таъминлашни** кучайтириш кўзда тутилган. Бу, айниқса, долзарб бўлиб, атроф-муҳит муҳофазасига оид кўплаб суд ишларининг асоссиз чўзилиши, вақтида ижро қилинмаслиги ва оқибатда табиатга етказилган зарар миқдори ошиб кетиши ёки олди олинмаслиги каби ҳолатларга ҳам чек қўяди.

Бугунги замоннинг талаби — суд жараёнларида **тенглик** ва **тортишув тамойиллари** тўлиқ жорий қилиниши керак. Шундагина ҳар бир кўрилаётган ишда ҳар бир омил ҳисобга олинади, адолатли ҳукм чиқариш имконияти кенгаяди. Суд жараёнида адолат учун тортишувлар бўлиши **адвокатура институти**нинг қанчалик мустақил ва ишончли ишлашига боғлиқ, албатта. Шу боис ҳам Президентликка номзод **адвокатурани** мустақил, ишончли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлантиришни таклиф этмоқда. Натижада нафақат халқимизнинг судларга бўлган ишончи орта бошлайди, балки жамиятда ҳуқуқий тафаккур ошади, қонун устуворлиги таъминланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги **эскирган жавобгарлик чоралари**ни бекор қилиш, маъмурий органлар томонидан жарима қўллаш қисқартирилиб, **судларга кенгроқ ваколат** бериш борасидаги таклифлар ҳам кўпчиликнинг айни дилидаги гап, десак, хато бўлмайди. Чунки фақат жарима қўллаш ва уни ундириш билан муаммо тўла-тўкис ечим топмайди. Энг одилона ҳукм суд орқали қабул қилиниши керак.

Сайловолди дастурига кўра, **малакали юридик ёрдам** ва хизмат кўрсатиш сифати оширилади, эколог-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилади. **Йўл ҳаракати хавфсизлигини** тартибга солиш қонуности ҳужжатларидан, қонун асосида тартибга солишга ўтказилади. Бунинг натижасида қонунларнинг тўғридан-тўғри ишлаш механизми яратилиб, ҳуқуқий нигилизмнинг олди олинади.

Ҳар бир мамлакат ривожланишнинг қайси стратегик йўлидан бормасин, коррупция уни издан чиқарувчи, жамиятни таназзулга етакловчи оғир иллат.

Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида **коррупциянинг олдини олиш** ва унга қарши курашиш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши алоҳида қайд этилган. Номзодимиз муаммога реал ечим сифатида қуйидагиларни таклиф қилмоқда:

жамоатчилик назорати ва жамоатчилик эшитуви институти ривожлантирилади;

барча тизимдаги давлат идоралари фаолиятида, давлат харидларида **очиқлик** ва **шаффофликни кенгайтириш чоралари кучайтирилади**;

**Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаев Сайловолди дастуридан:**

«Биз экологик қадриятлар устуворликка айланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, сўз эркинлигини қўллаб-қувватлаш ва ОАВ фаолияти кафолатларини мустаҳкамлаш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш борасидаги ислоҳотларни изчил давом эттирамиз.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлади. Бунда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик эшитуви институти ривожлантирилади, барча тизимдаги давлат идоралари фаолиятида, давлат харидларида очиқлик ва шаффофликни кенгайтириш чоралари кучайтирилади. Давлат хизматчилари фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий кафолатлари кучайтирилади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, халқ табобатини янада ривожлантириш, илғор хорижий тажрибалар асосида узлуксиз таълим сифати даражасини кўтариш, илм-фан ривожини жадаллаштириш ҳамда маданий-маърифий соҳаларни янада юксалтиришни устувор вазифалар, деб ҳисоблаймиз».

**давлат хизматчилари** фаолиятининг иқтисодий ва **ижтимоий кафолатлари** кучайтирилади.

Дарҳақиқат, коррупция жамият ҳаётининг барча жабҳасини издан чиқарувчи хавфли ижтимоий иллатдир. Уни туб илдизи билан йўқ қилишга қарши кураш ҳамиша ҳар биримизнинг асосий мақсадимиз бўлмоғи лозим. Айниқса, ҳар бир раҳбарнинг бу масалада шахсий ўрнак бўлиши ва курашувчанлик позицияси жуда муҳим ҳисобланади.

Номзод ўз Сайловолди дастурида, шунингдек, **соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва маданий-маърифий соҳаларни янада ривожлантириш** борасида ҳам алоҳида вазифаларни белгилаб олганини кўришимиз мумкин. Айниқса, аҳолига **тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва халқ табобатини янада ривожлантириш** масалалари ҳар бир фуқаро учун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу вазифаларни амалга оширишнинг ҳаётий механизми сифатида дори воситаларини улгуржи ва чакана реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг лицензия талабларига риоя этишлари устидан назорат кучайтирилиши ҳамда тиббиёт соҳасида стоматологик хизматлар нархини пасайтириш мақсадида **давлат стоматологик клиникалари ривожлантирилиши лозим**лигини таъкидлайди. Шу билан бирга, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилиши муҳимлигини алоҳида санаб ўтади:

**санитария-эпидемиология соҳасида** реал хавф-хатарларни прогноз қилиш, баҳолаш, юқумли касалликлар табиий ўчоқлари устидан **эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирлар мажмуи** амалга оширилади;

аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва экологик номақбул ҳудудларда истиқомат қилувчилар учун **ижтимоий тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари** ишлаб чиқилади ва жорий этилади, халқ табобатини ривожлантириш чоралари кўрилади;

**соғлом турмуш тарзи** кенг тарғиб этилади ва **оммавий спорт турлари** янада ривожлантирилади, соғлом овқатланиш маданиятини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади;

экологик омилларнинг инсон соғлиғига салбий таъсирини бартараф этиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилган **тиббий суғурта механизмлари** жорий этилади.

Дастурдан ўрин олган ушбу масалаларнинг барчаси инсон саломатлигини таъминлаш ва муҳофаза қилишда, биринчи навбатда, соғлом экологик муҳит ҳамда самарали тиббий хизмат заруратини ўзида мужассам этган.

Мактабгача таълим, халқ таълими, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳам номзоднинг Сайловолди дастурида пухта ишлаб чиқилганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Ўтган йиллар давомида таълим тизими бир неча бор ислоҳ қилинган бўлса-да, соҳада ечимини кутаётган масалалар етарлича.

Номзод тақдим этаётган дастурий мақсадларда **Ўзбекистон Республикаси Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси**ни ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этиш кўзда тутилмоқда. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, узлуксиз таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчи ва талаба ёшларда экологик маданиятни шакллантирмасдан, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасига сарфланаётган ҳар қанча маблағлар билан муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда узлуксиз экологик таълим тизимини самарали йўлга қўйиш орқали аҳолининг экологик маданиятини ошириш жуда долзарб масала ҳисобланади.

Сайловолди дастурига кўра, узлуксиз таълимнинг барча босқичида экологик таълим-тарбия тамойиллари кенг жорий этилади, ёшларнинг экологик маданияти юксалтирилади. Мактабгача ва мактаб таълим муассасалари тарбияланувчи ва ўқувчилари учун **экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, она табиатни асраб-авайлашга бағишланган** дарслик, қўлланма, тарқатма ҳамда кўргазмали материаллар **бепул чоп этилиши ва тарқатилиши** таъминланади.

Жамиятда экологик масалаларнинг аҳамияти ошиб боргани сари соҳага оид янги касблар, янги йўналишларга зарурат сезилмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз **«яшил» иқтисодиётга мос келадиган** ва унинг ривожланишига ҳисса қўшадиган **касб-ҳунар йўналишлари** рўйхатини тузиш ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишни мақсад қилганмиз.

Бу борадаги ишлар олий таълим тизимида ҳам изчиллик билан давом эттирилади. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича давлат гранти ҳисобидан малакали кадрлар тайёрлаш кенгайтирилади, педагог кадрлар тайёрлаш жараёни замон талаблари асосида ислоҳ қилинади, шу соҳада замонавий технологияларни жорий қилишга йўналтирилган **янги таълим муассасалари** ташкил этилади. Кейинги босқичда эса экология соҳасидаги муаммоларни тадқиқ қилишни рағбатлантиришга қаратилган илмий тадқиқот дастурлари, грантлар жорий этилади.

Бундан кўринадики, номзод жамият ривожида «яшил» иқтисодиёт моделини шунчаки тавсия қилиш билан чекланмайди. Балки уни амалга ошириш механизмини ҳам атрофлича кўрсатиб ўтмоқда. Бундай платформага ўтиш учун ишни таълим тизимида кадрлар тайёрлашдан бошлаш кераклигига алоҳида урғу беради. Зотан, соҳа бўйича етарли мутахассислар бўлмаса, «яшил» иқтисодиётни, ҳатто тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Замонавий кадрлар масаласи эса ҳамиша долзарб бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, номзод Сайловолди дастурида таклиф қилаётган ғояларнинг комплекс механизмини ҳам илгари сураётгани эътиборга сазовор.

Дастурда илм-фан соҳасини ривожлантиришда **экологик тадқиқот** ва **инновацион фаолият** кўламини кенгайтириш назарда тутилади. Бунда:

**экологик тоза, чиқиндисиз ва ресурстежамкор технологиялар**ни ишлаб чиқишга қаратилган илм-фан ривожини жадаллаштириш ҳамда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида илмий маҳсулотлар ҳажми оширилади ва инновацион усуллар кенг жорий этилади;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолиятини иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш, **юқори самарадор илмий ишланмалар ва технологиялар**ни жорий этиш кўлами оширилади;

ҳудудларда **экотехнопарклар** ташкил этиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишланмаларини кенг жорий этиш чоралари кўрилади;

фойдали қазилмаларни аниқлаш, қазиб олиш ва қайта ишлашнинг **илмий-техник даражасини ошириш**га қаратилган аниқ йўналишларга оид илмий тадқиқотлар ривожлантирилади.

Келажакда мазкур соҳа бўйича етук ва креатив олимлар корпусини яратиш ва улар ишлаб чиққан ғояларни амалиётга татбиқ этиш, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

Сайловолди дастурида кўзда тутилган ҳамда юқорида санаб ўтилган жиҳатларнинг барчаси жамиятимиздаги муайян тармоқ ва соҳалар фаолиятини такомиллаштириш борасида билдирилаётган таклифларда ўз ечимини топган. Шу билан бирга, уларни амалга ошириш, ижтимоий ҳаётимизга кенг жорий этишда аҳолининг барча қатлами мазкур ислоҳотлар моҳиятини тўғри тушуниб, уларда дахлдорлик туйғусининг шаклланиши муҳим ўрин тутади. Номзод дастурий таклифларида ҳам айни шу жиҳат мустаҳкам ўрин эгаллаган. Хусусан, номзод маданий-маърифий соҳада қуйидаги вазифаларни амалга оширишни муҳим деб ҳисоблайди:

**«Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш тўғрисида»**ги дастур қабул қилинади;

туризмнинг **экологик, агро, гастрономик, экстремал** ва бошқа турлари инфраструктураси ривожлантирилади, **«Eco-Uzbekistan» номли эко-туризм бренди** шакллантирилади;

аҳолининг атроф-муҳит ҳолати бўйича хабардорлигини ошириш, мунтазам равишда **атроф-муҳит ҳолати юзасидан миллий маъруза** ва таҳлилий ҳисоботларни нашр этиб бориш йўлга қўйилади;

экологияга оид илмий-оммабоп ахборот босма нашрлар, теле-радио дастурлар давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланади;

мамлакатда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида фаолият кўрсатаётган барча нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти янада ривожлантирилади, уларни ҳуқуқий, молиявий қўллаб-қувватлаш кучайтирилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, экологик барқарорлик юқорида кўрганимиз каби бугунги кунда барча соҳа ривожига таъсир кўрсатувчи омил бўлиб турибди. Аввало, инсон омилига катта эътибор қаратиш, уни илғор ислоҳотларнинг онгли иштирокчиси ва ташаббускорига айлантириш ғояси энг муҳим ва долзарб масаладир.

Номзод билдирган ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги таклифлар ҳам эътиборга молик. «Ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида қўшни давлатлар билан хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ишлари изчил давом эттирилади», дея таъкидлайди номзод Абдушукур Ҳамзаев ўз Сайловолди дастурида.

Жумладан, қўшни давлатлар билан дўстона ва прагматик ҳамкорликни давом эттириш, минтақамиздаги табиат ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш, мавжуд экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда амалий мулоқот, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, эпидемия ва пандемия ҳолатларида барча кучларни бирлаштириш мақсад қилинган. Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтириш, экологик инвестициялар киритилишини рағбатлантириш орқали аҳолига туризм учун ҳам кенг имкониятлар яратилади.

Барқарор ривожланишни таъминлаш юзасидан Марказий Осиё ва бошқа хорижий давлатлар билан экологик инновацион йўналишларда ҳамкорликни чуқурлаштириш, экологик таълим ва билимларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан халқаро форумлар ўтказилади. Мамлакатда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш лойиҳаларини амалга оширишда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан ҳамкорлик кенгайтирилади.

Гувоҳи бўлганимиздек, Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастури ижтимоий ҳаётимиздаги барча соҳа ривожига қаратилган ўринли таклиф ва мулоҳазаларни ўзида мужассам этган. Номзод келажакда амалга ошириладиган туб ислоҳотлар негизида барча масалага кенг қамровли тарзда ёндашиш заруратини алоҳида эътироф этади. Тизимли ва аниқ механизмлар яратиш орқали давлат ва жамият ҳаётида кутилган натижаларга эришиш мумкинлигига эътибор қаратади.

Халқимизни, экологияга бефарқ бўлмаган барча ҳамюртларимизни номзодимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бебаҳо табиий бойликларни асраб-авайлашдек муҳим мақсадларга эришишда биргаликда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Бугунги фаровон тараққиёт ҳамда барқарор келажагимиз учун барчамиз муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этайлик!

***Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевга овоз беринг!***

**Равшанбек БЕГМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши аъзоси.**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУШУКУР ҲАМЗАЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида эришилган натижаларнинг асосий омили инсон ва унинг манфаатлари билан бевосита боғлиқ. Шу боис инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароити яратиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш демократик ислоҳотларнинг бош мақсадига айланган.*

## Мушоҳада



Кейинги йилларда барча соҳада хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Буни 42 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, иккита муҳим ҳужжат — “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Эркак ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёш этиб белгиланди. Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати бекор қилинди. Ички ишлар тизимида хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича инспектор лавозими жорий этилди.

Ёдингизда бўлса, 2021 йили қўмитамиз томонидан енгил ва чарм саноатда фаолият юритаётган аёллар учун яратилган меҳнат шароитлари ўрганилиб, ҳукуматга парламент сўрови юборилганди. Парламент сўрови доирасидаги ўрганишларда ҳақиқатан хусусий корхоналарда хотин-қизлар, ҳомиладор аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимли йўлга қўйилмагани аниқланганди.

Ана шу муаммоларни бартараф этишда 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони муҳим дастуриламал бўлди. Натижада 2022 йил сентябрдан бошлаб хусусий корхоналар ва ташкилотларда камида олти ой ишлаган хотин-қизлар учун Давлат бюджети ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини молиялаштириш йўлга қўйилди. 2022 йил сентябрь — декабрь ойларида ана шу мақсадда давлат томонидан 3 минг 735 нафар аёлга 7,45 миллиард сўм берилди, жорий йилда эса 131 миллиард сўм ажратилди.

### Опа-сингилларимиз ўрни юксалади

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттириляпти. Ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича ўзига хос тизим яратилди.

2016 йилда юртимизда раҳбар аёллар сони 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоизга етди, 2022 йилда эса раҳбар аёлларнинг улуши 27 фоиз, тадбиркорлар орасида эса 25 фоиз бўлди.

Шуларга мос равишда давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган истиқболли хотин-қизларнинг ягона электрон базаси яратилиб, унда 25 мингдан зиёд раҳбарликка номзод хотин-қизлар захира рўйхати шакллантирилди.

2022 йилда вазирлик ва идоралар иштирокида Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида ҳам салмоқли ишлар рўёбга чиқарилаётганидан кўпчиликнинг хабари бор.

Қолаверса, Давлат бошқаруви академияси ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича 552 соатлик “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури ишлаб чиқилган бўлиб, 100 нафар фаол опа-синглимиз билим ва малака оширди. Айни чоғда Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган 142 нафар аёл тўғрисидаги маълумот шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий кадрлар захираси базасига киритилди.

### Доимий эътибор марказида

Сўнгги йилларда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётир. Зеро, биз узоқ вақт аёллар масаласи ҳақида кўп гапирсак-да, амалий ишлар деярли сезилмасди. Опа-сингилларимизнинг дарду ташвишига бепарво қараб келганимиз туфайли йиллар давомида кўплаб ижтимоий муаммолар тўпланиб қолган эди.

2020 йилдан буён ҳаётга татбиқ этилган ва хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ноёб тизим — “аёллар дафтари” бўйича кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди. Бунинг натижасида 2020 — 2022 йилларда “аёллар дафтари” тизими асосида кўплаб эҳтиёжманд хотин-қизларга кўмак берилди. Жумладан, биринчи босқичда 430 минг 275 нафар, иккинчи босқичда — 450 минг 870, учинчи босқичда эса 641 минг 816 нафар хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди.

Хотин-қизлар ва болалар меҳнатини муҳофазалаш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш масаласи ҳам кун тартибидан тушгани йўқ. Бу жиҳатлар янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам мустаҳкамланди. Яъни унда мажбурий меҳнат, болаларнинг баркамол ривожланишига салбий таъсир қиладиган ҳар қандай болалар меҳнати тақиқланиши белгилаб қўйилди. Ушбу муҳим ўзгариш айнан мажбурий меҳнат, хусусан, болалар мажбурий меҳнатига тўлиқ барҳам берилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ва комплекс чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўзида ёшларни ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга 6,6 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган, бу мақсадларга йўналтирилган маблағ ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпдир.

Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича сўнгги йилларда тизимли ишлар қилинди. 2020 йилдан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила қизларига олий таълимга ўқишга кириш учун 4 фоиз квота жорий этилди. 2022/2023 ўқув йилидан олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда ўқиётган хотин-қизларнинг таълим шартнома пулини тўлаш учун фоизсиз таълим кредитлари бериш бошланди. Магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг шартнома тўловларини давлат томонидан қоплаш тартиби белгиланди. Эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба қизларнинг таълим шартномаларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаш тартиби жорий қилинди. Алимент жамғармаси ташкил этилиб, жамғармадан алимент тўловлари қоплаб берилаётгани ҳам диққатга сазовор.



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

### Тенг имкониятлар яратилди

Халқимиз хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз бу йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Зеро, Конституция янги таҳририни ишлаб чиқишда халқимиз фикрига таянилди. Конституциявий қонун лойиҳасига таклифларнинг 40 фоиздан ортиғи аёллардан келиб тушди. Бу — янги нормаларда халқимиз дунёқараши, фикр ва тафаккури акс этганининг ёрқин ифодасидир.

Нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ҳақиқий ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам — болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардир. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам эътибордан четда қолмади. Ҳар бир қатламнинг ижтимоий муҳофазаси атрофлича қамраб олинди. Шу боис Конституциямиз инсон манфаати ва қадри улуғланган очиқ демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ҳуқуқий пойдевор бўлади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши тўғрисидаги янги норма киритилиб, бундай дискриминацияга чек қўйишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шу билан бирга, Бош қомусимизда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳасида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаши белгиланди.

Асосий Қонунда аёл ва эркаклар тенг ҳуқуқли экани белгиланиши ҳам бежиз эмас. Бу йиллар давомида мустаҳкамланган стереотипларни синдириш, хусусан, “аёл киши уйда ўтириши керак”, “аёлларга сиёсатга аралашишни ким қўйибди” каби қарашларни бартараф этишда муҳим қадам бўлди.

Гендер тенглик тамойилларини Конституцияда белгилаш давлатнинг аёлларга бўлган алоҳида эътиборини кўрсатиши билан бирга, хотин-қизларнинг давлат ва ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириб, имкониятини намоён этишига кўмаклашади. Жамиятда гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ана шундай изчил ислоҳотлар самарасида хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки янада кучаяди. Хусусан, 2030 йилга қадар бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини камида 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Кўриниб турибдики, ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларимиз тобора кенг қулоч ёзмоқда. Конституцияда кўзда тутилган “ижтимоий давлат”да эса хотин-қизларимиз манфаатлари ҳимояси янада кучайтирилади. Бу йўлда барчамиз бир бўлсак, албатта, кутилган натижаларни қўлга киритамиз.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

# ИНСОН ҚАДРИ ВА УНИНГ ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

*Бундан бир неча йиллар муқаддам мамлакатимизда одамларни энг кўп ташвишга солаётган уй-жой масаласи бугун давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Ўтган қисқа даврда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида салмоқли ишлар бажарилди. Қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилиб, тармоқда давлат бошқаруви тизими тубдан такомиллаштирилди. Натижада соҳада шаффофликни таъминлаш борасида рақамлаштириш тизими жорий этилди. Лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг тизими ишга туширилиб, давлат харидлари (тендерлар)ни электрон шаклда онлайн режимда амалга ошириш йўлга қўйилди.*

## Фикр



Ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар туфайли аҳоли пунктларини қуришга комплекс ёндашилмоқда — уй-жой, бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, истироҳат боғлари ва хиёбонлар барпо этилаётир. Масалан, биргина 2022 йилги Инвестиция дастури бўйича 1 минг 868 та ижтимоий объектда кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аҳолини арзон ва сифатли тураржой билан таъминлаш дастурлари доирасида кўп қаватли уйлар атрофида маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари ва бошқа масканлар тикланаётгани эътиборга молик.

Шиддат билан давом этаётган бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабни кучайтириши табиий. Ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинаётгани туфайли соҳада жиддий ўзгаришлар рўй бераётир.

Қурилиш ишлари ҳажмининг кейинги йилларда юқори ўсиш суръатига эга бўлишида ва якунда ЯИМ кўрсаткичдаги улушининг ошиб боришига мамлакатимизда ижроси таъминланаётган йирик лойиҳалар асосий таянч устун бўляпти. Аҳамиятлиси, бу ишлар шиддат билан давом эттирилиб, арзон уй-жойлар ва кўп квартирали уйлар қуриш кўламини кенгайтириш, соҳага янги архитектура ва техник ечимларни жорий қилиш орқали аҳолининг уй-жой, маиший турмуш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратиляпти.

Ҳудудларда ҳам қурилиш ишлари кўлами йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2020 йилда 88 трлн. сўмни, 2021 йилда 108 трлн. сўмни ва 2022 йилда 131 трлн. сўмни ташкил этган.

Ўтган даврда қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Президентнинг 27 та Фармон ва қарори, Ҳукуматнинг 24 та қарори имзоланди. Айниқса, янги таҳрирда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодекси ушбу соҳада бутунлай янги даврни бошлаб берди. Кодексга “ноёб ва алоҳида муҳим объектлар”, “реклама ва ахборот объектлари”, “тураржой объектлари”, “урбанизация” ва бошқа бир қатор асосий тушунчалар киритилди.

Мазкур кодексда шаҳарсозлик фаолиятининг асосий принциплари аниқ белгилаб берилди. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги жамоатчилик назорати ва унинг шакллари, субъектлари ҳақидаги нормалар мустаҳкамланди.

“Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Буни қурилишда шаффофликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш чоралари бўйича ислоҳотлар самараси, десак, асло муболаға эмас. “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони ҳам қурилиш соҳасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.



Мазкур стратегияда 2025 йилга бориб Ўзбекистондаги шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш белгиланди. Бош режаларни тасдиқлашда жамоатчилик фикрининг инобатга олиниши белгилаб қўйилди.

Ушбу ҳужжатлар доирасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда муайян натижаларга эришилди. Масалан, ўтган олти йил давомида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича жами 1370 та шаҳарсозлик ҳужжати, жумладан, 202 та шаҳар ва шаҳарча бош режаси ҳамда 1168 та қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг бош режаси билан биргаликда батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жами 1944 та шароити оғир маҳаллаларнинг бош режа схемалари ишлаб чиқилди. Жорий йилда яна 225 та шаҳарсозлик ҳужжати, жумладан, 11 та шаҳар ва 50 та шаҳарча ҳамда 122 та қишлоқнинг бош режалари, 42 та ҳудуднинг мастер режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ўтган қисқа вақт мобайнида қурилиш соҳасига оид 537 та техник-норматив ҳужжат ишлаб чиқилди ва эскилари янгиланди. Бундан ташқари, биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид 10 та норматив ҳужжат Европа стандартлари асосида такомиллаштирилди.

Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнлари шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Мазкур ишлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси маркази томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Экспертизага лойиҳа-смета ҳужжатлари онлайн топширилмоқда. Бугунга қадар жами 30 мингга яқин объектлар лойиҳаси ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилди. Натижада мазкур объектлар бўйича 7 трлн. сўмга яқин маблағ тежаб қолинди.

Умуман олганда, сўнгги олти йилда 360 мингга яқин ёки аввалги йиллардагига нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилди. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб 326 мингта янги уй фойдаланишга топширилган. Бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга ошган. Бунинг учун сўнгги уч йилда банклар 210 минг оилага 33 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратган. Эҳтиёжманд 73 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилган.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилингани натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи 11 та йирик кластер пайдо бўлди. Тадбиркорларга шароит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, ўтган йили 60 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. 31 та ҳудудда “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш дастури бошланди. Бу эса йиллар давомида ижарама-ижара, сарсон-саргардон юрган минг-минглаб инсонлар қалбига ишонч туйғусини олиб кирди.

Хулоса ўрнида айтганда, охирги олти йилда мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланди — ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоғида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Нафақат пойтахт, балки барча ҳудудда замонавий иншоотлар қад ростлади. Натижада кўп йиллар ўз уйи бўлишини орзу қилиб юрган қанчадан-қанча оилалар уй-жойли бўлди.

**Дилшод ҲАМЗАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Сенат қўмиталарида

# МЕҲНАТ КОДЕКСИГА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШ КИРИТИЛМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида парламент юқори палатаси навбатдаги ялпи мажлисида кўрилиши кутилаётган масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

Хусусан, сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонун атрофлича таҳлилдан ўтказилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун билан 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини ишланмайдиган байрам куни сифатида белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиш киритилмоқда.

Бу қонуннинг қабул қилиниши ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини кучайтиришга йўл очади.

Муҳокама давомида қонунларга киритилаётган нормаларни амалиётда қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятлар юзасидан вазирлик ва идоралар вакилларининг фикрлари олинди.

Мажлисда кўрилган масалалар бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида ҳам “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокамага тортилди.

Мажлисда сенаторлар томонидан сўнгги йилларда жамият ҳаётида касаба уюшмаларининг ўрни ва роли ошиб бораётгани, ташкилот томонидан ишчи-ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, улар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилаётгани эътироф этилди.

Таъкидланганидек, ўтган давр давомида касаба уюшмалари томонидан ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан 5 минг 425 нафар ишчи-хизматчининг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 11 млрд. сўмга яқин маблағ ундирилгани меҳнат қонунчилигини таъминлашда касаба уюшмаларининг ўрни муҳим эканининг амалий тасдиғидир.

Қолаверса, меҳнат муҳофазаси бўйича 932 та корхона ва ташкилотдаги ходимлар ҳаёти ва меҳнати учун хавф туғдириши мумкин бўлган 5 мингдан зиёд камчиликлар бартараф этилгани бу борада самарали тизим яратилганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда юртимизда касаба уюшмалари тизимида 34 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатиб, соҳа бўйича 6 минг 700 дан зиёд ходим ва 300 мингга яқин фаоллар самарали меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 208-моддасининг биринчи қисмига 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини ишланмайдиган байрам куни сифатида белгилашга қаратилган ўзгартиш киритилмоқдаки, бу ҳам соҳа ходимларига янги куч-қувват ва рағбат бериши, шубҳасиз.

# ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар масъуллари, экспертлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бошқарма бошлиқлари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди.

Сенаторлар дастлаб Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама этилиши режалаштирилаётган масалаларни кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, республикамизда волонтёрлик фаолиятини янада рағбатлантириш, давлат органларининг мазкур хизмат субъектлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда волонтёрларга кўмаклашиш, улар хизматларини тақдирлаш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Қўмита мажлисида муҳокама қилинган “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ана шу мақсадда ишлаб чиқилган.

Қонунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, қонун билан Ёшлар ишлари агентлигини волонтёрлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи сифатида белгилаш, унинг мазкур йўналишдаги ваколатларини аниқлаштириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг волонтёрликни қўллаб-қувватлаш ва унга кўмаклашиш бўйича ваколатларини аниқ белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун муҳокамаси жараёнида Сенат аъзолари юртимиздаги волонтёр ёшлар ҳамда волонтёрлик гуруҳлари, ташкилотлари фаолиятини кенг тарғиб қилиш, сафларини кенгайтириш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан қандай чоралар кўрилаётгани, мазкур хизмат бўйича мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилгани, улар қандай натижалар бераётгани, корпоратив волонтёрликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар ҳамда аниқ мақсад ва режалар мавжудлиги билан ҳам қизиқдилар.

Муҳокама якуни бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

“Ўзбекистон почтаси” АЖ раҳбарияти ва жамоаси кўп йиллар давомида алоқа соҳасида самарали меҳнат қилган, АЖнинг Тошкент филиали директори в.в.б
**Зоҳид ҚОСИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 476 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.40 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6